



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 8 октябрь, чоршанба

№82 (11.573)

Эркин нархда сотилади

ТАШАББУС ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов-нинг 7 октябрь кунини янги тузилаётган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.
Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, умуман халқ фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Бугун мамлакатимизда 240 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Уларнинг саксон беш минггачи фермер хўжалиқлари ташкил этилади.

Юртбошимиз бу ерга тўпланганлар янги партия тузиш ташаббуси билан чиқганини, бундай ташаббус Конституциямиз ва амалдаги бошқа қонунлар доирасида, ҳар томонлама чуқур мушоҳада билан амалга ошириладиган бўлса, уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини айтди.

Мустиқлик йўлдошларимиз онгидан катта ўзгаришлар ясади. Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик билан шуғулланишга қучли рағбат уйғонмоқда. Улар ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун мамлакатимизда барча

ҳуқуқий асослар яратилган.

Учрашувда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати фаоллари – Ўзбекистон либерал-демократик партиясини тузиш ташаббус гуруҳи аъзолари: "Пахтабанк" бошқаруви раиси К.Тошматов, Тошкент шаҳридаги "Файзбарака" компанияси раҳбари М.Ақмова, Ўзбекистон туманидаги "Умид" фермер хўжалиги бошлиғи И.Назаров, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ходими Ш.Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳимоялаш, соҳада юзгага келаятган муаммоларни бартараф этиш борасидаги эътибори ва янги партия тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдирди. (ЎзА).

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

**А. А. Азизхўжаевни Ўзбекистон
Республикаси Бош вазирининг**

ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 7 октябрь.

ОСАКАДА ТАҚДИМОТ

Япониянинг иқтисодиёт ва саноат маркази ҳисоблан-миш Осака шаҳрида Ўзбекистон тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган юздан зиёд осакалик фан ва маданият арбоблари, ҳукумат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, ишбилармонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари мустақил Ватанимиз ҳақидаги ўз билим ва тасаввурларини бир қадар бойитиш имкониятига эга бўлдilar.

Осака шаҳрининг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон маданият марказида уюштирилган ушбу байрам катнашчилари Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб бораётган мамлакатимизнинг ички ва ташқи сийсати, иқтисодиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳамда маданий қадриятларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи илмий-оммабоп фильмни томоша қилдилар.

**Б. АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГРУЗИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг таклифига биноан 2003 йил 9-10 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлди.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор муҳим ҳужжатлар имзолалиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

6 октябрьда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиши Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди.

Йиғилишда 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан Кенгаш аъзолари мамлакатимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан янада илгари-

лаб бораётганлиги ҳамда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиши муносабати билан мазкур сайлов кампаниясининг аҳамияти янада ошганлигини таъкидладилар. Бу тадбир Обод маҳалла йилида

ўтаётганлиги унинг аҳамияти янада оширмоқда. Сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг еритиб бориш тасвია этилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг
ҚАРОРИ**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

Фуқаролар Йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддасида ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун 20-моддасида белгиланган ваколат мuddати 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида туғатиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилди:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчилари сайловини ўтказишни таъминласин.

2. Шу муносабат билан: туман ва шаҳарлар ҳокимларига фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қилишдаги ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига турган вазифаларни, шу жумладан мазкур органларга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни хал

этишга қодир шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлашда кўмаклашиш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этиш; оммавий ахборот воситаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайловни кенг ёритиш тасвिया этилсин.

3. Олий Мажлис Кенгашининг фуқароларнинг ўзи-

ни ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлари тасдиқлансин.

4. Олий Мажлис Котибияти Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар ва Котибият ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқиларини ташкил этсин.

5. Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси сайлов кампанияси мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштириш масалалари юзасидан билдирилган таклифларни умумлаштирсин ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчилари сайлови аяқлари тўғрисида 2004 йилнинг 15 январига қадар Олий Мажлис Кенгашига ахборот берсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 6 октябрь.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

Зангиота туманида «Ўқитувчи-2003» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туманларда ғолибликни қўлга киритган 15 нафар педагог беланди.

Улар нотаниш синфда ноанъанавий дарс ўтиш бўйича ҳамда тест топшириқлари асосида куч синнашди. Юқори кўрсаткичга сазовор бўлган олти нафар ўқитувчи танловнинг финал босқичига йўл олди. Унда катнашиш шарафига муассар бўлган муаллимлар «Ўз фанини тарғиб қилиш», «Қўтилмаган педагогик вазиятдан чиқиш» ва «Ўзининг йиқинчи маҳоратини кўрсатиш» шартлари бўйича ўзаро баҳслашдилар. Ўз маҳоратлари намойиш қилиб, шартларни аъло даражада бажарган Янгийўл туманидаги 14-мактабнинг математика ўқитувчиси Каромат Камбарова вилоят миқёсида «2003 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» деган номга сазовор бўлди. Шунингдек, педагогик йўналишлар турлари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Уларга вилоят халқ таълими бошқармаси ва қасаба уюшмаси вилоят қўмитасининг турли қимматбаҳо совғалари топширилди.

Қамолдин АСКАРОВ.

ҚАЛБЛАРДА ВАТАН МЕҲРИ

Пойтахтдаги авиасозлар маданият саройида «Ўзбекистон – Ватаним» номли хайрия тadbирини ўтказишди. Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгаши томонидан уюштирилган ушбу хайрия тadbирининг биринчи қисми эрта тонгдан шанба билан бошланди.

Шундан сўнг саройга йиғилганлар катта тантананинг гувоҳи бўлишди. Муסיкий гуруҳ ва ижодий жамоаларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассирот қолдирди. Айниқса, ноғиронлар ижросидаги «Ўзбекистон», «Ватан», «Бахт» номли қўшиқлар юракларни ларзага келтирди.

— Жамиятимиз, — деди Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгаши бошқаруви раиси Муфараҳ Каримова, — ёшлар қалбида Ватанга, она-юртга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни ўз мамлакатига садоқат руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Бугунги тадбиримиз ушбу мақсадимизга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Маданият саройида ноғиронлар томонидан ясалган турли ижодий ишлар намуналарининг кўргазмаси ташкил этилди.

Хурида МҲМИНОВА.

Пахта – 2003



УЛАР МАРРАГА ЕТИШДИ



Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги аъзолари пахта тайёрлаш бўйича Чиноз туманида нешқадамлар сафида бормоқдалар. Шу кунгача улар қабул пунктларига йиллик режанинг 50 фоизидан ошириб сифатли хомашё топширишди. Хўжаликда ҳамон кунига 5-6 фоиз микдорда пахта терилмоқда.

Бу бежиз эмас. Хўжаликда барча ички имкониятлар теримга тўла сафарбар этилган. Маҳаллий аҳоли ҳам ёппасига хашарга чиқиб, қурилиш суръатини юқори бўлишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Илғор оилавий пудратчилар эса, уч-тўрт иш кунидан шартнома режасини бажаришга эришмоқдалар. Масалан, бош пудратчи Абдумўмин Юсупов раҳбарлигидаги оилавий пудратчилар 78 гектар майдондан ҳозирнинг ўзидаёқ 200 тоннадан зиёд пахта топшириб, шартнома режасини бажариб қўйдилар. Далада эса, ҳали теримга тушилмаган 15 гектар майдон бор. Шуни ҳисобга олган бош пудратчи умумий ҳосилдорлигини 37 центнерга етказиш ниятида суръатни бېшиштирмаслик чораларини кўрмоқда.

Шу хўжаликнинг Боймуҳаммад Бойматов бошчилигида меҳнат қилган пуд-

Вилоят пахтазорларида йиғим-терим ишлари кундан-кунга авж олмақда. Терим иштирокчилари сафи тобора кенгайиб бораёпти. 6 октябрь кунини вилоят бўйича 150 мингдан зиёд киши теримда иштирок этди. Шу кунини йиллик режанинг 1,27 фоизи миқдорига хомашё топширилди. Мавсум бошидан буён тайёрланган пахта эса 9,43 фоизга етди.

ратчилари ҳам шартнома режасини бажардилар. 54,5 гектар майдоннинг 46 гектаридан биринчи теримда 28 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Тумандаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида бош пудратчи Абдурахим Тилебоев раҳбарлигидаги жамоа ҳам режани биринчи бўлиб бажарди. 54 гектар майдондан 150 тоннадан зиёд пахта топширилди. Бу ютуққа Дариға Айдарова ва Турсуной Валижонов каби чевар теримчилар 2,5-3 тонна пахталари билан ҳисса қўшдилар.

Орзукул МАЙМУРОВ.

СУРАТЛАРДА: бош пудратчи Абдумўмин Юсупов илғор теримчилар Гулбаҳор Абдуқаюмова ва Лазокат Норқўзиёва билан пахтазорда; пудратчи Абдурахим Тилебоев ҳосил қўғидан мамнун.

**Пўлат РАҲИМОВ олган
суратлар.**

ДАЛАДАГИСИ ЭМАС, ХИРМОНДАГИСИ ҲИСОБ

Бугун дўппи-дўппи очилган пахталарни кўрган кишида беҳтиср фахр уйғонади. Дарҳақиқат, бу йил вилоятимиз пахтакорлари оғир ва мураккаб шароитда астойдил меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришди. Аммо, асл дехқон «даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб» қабилда иш тутайди. Шу

қоидага амал қилиниб, йиғим-терим ишларига ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Айни кунларда барча туманларда терим мавсуми оммавий тўс олди. Бунини Уртачирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 3-бетда).

AZIZ

D'OOSTLAR!

Эслатиб ўтамиз: бизнинг индекс – 205.

Республика почта вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида

алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» 2004 йил учун бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилиши давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

